



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 24 [14.075]

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ушбу мамлакатда бўлади.**

Ташриф дастурига мувофиқ, Анкара шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраислигида икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилади. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича фикр алмашилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашади, Туркия Республикаси Президенти кутубхонаси мажмуасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МИННАТДОРЛИК

**Хитой халқига ҳамдардлиқ ва кўрсатилган ёрдам учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирилди.**

Хитой халқига билдирилган ҳамдардлиқ ва кўрсатилган ёрдам учун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик мактуби йўллади. Унда шундай дейилади:

“Мухтарам Президент Жаноблари! Хитойнинг коронавирус тарқалишига қарши олиб бораётган кураши муносабати билан йўллаган ҳамдардлигиниз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман.

Қаерда кулфат юз берса, ҳар томондан ёрдамга шошиладилар, деганларидек, дунё ҳамжамияти, жумладан, Ўзбекистон Хитой ҳукумати ва халқи билан ҳамдард эканини билдириди ва турли кўринишда қўллаб-қувватлади. Бу бизга нисбатан дўстлик му-

носабатларини тўлиқ намоён этди.

Хитой эпидемияни бартараф қилиш ҳамда назоратга олиш борасида муваффақиятга эришишига ишончи комил ва бунга қодир. Шунингдек, бутун дунёда солиқни сақлаш ишига ҳисса қўшиш йўлида халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда ишлашга тайёр.

Мен Хитой ва Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдам ҳамда Сиз билан бундан кейин ҳам яқин мулоқотни давом эттиришга тайёрман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса раванқ ва фаровонлик тилайман.

**Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин”.**

ЎЗА

## ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича устувор вазибаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга яқинда йўллаган Мурожаатномасида тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва яхшилаш юзасидан аниқ вазибаларни белгилаб берган эди.

Илғор хорижий тажриба асосида лицензия ва рухсатномалар турини қисқартириш, уларни бериш тартибини соддалаштириш ва тегишли талаблар бажарилишини мониторинг қилишнинг ошқорча механизмлари ишлаб чиқиш бугунги кун талабидир.

Ушбу вазибаларни амалга ошириш мақсадида Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман таркибида махсус Ишчи гуруҳ тузилган.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев мазкур Ишчи гуруҳ ишини ташкил этишидаги асосий йўналишлари белгилаб берди.

Авалло, инсон соғлиғига ва жамиятга зиён етказмайдиган фаолият турлари лицензиялашдан чиқариб ташланиши лозимлиги таъкидланди. Масалан, ўқув марказларидаги ўқитиш жараёни фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига зиён етказмасда, лицензияланади.

Айни пайтда айрим лицензия шартлари соҳада рақобатни ҳам чекламоқда. Хусусан, кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш билан ягона кредит бюроси шуғулланиб, бозорга бошқа тадбиркорлар қиришига имкон деярли қолмайди. Кредит бюросини очиш учун камида 10 та тижорат банкининг розилигини олиш талаб этилади. Мавжуд 30 та банкдан 26 таси ушбу ягона кредит бюросининг муассиси ҳисобланиб, қолган 4 та банк янги бюро ташкил этишга розилик берган тақдирда ҳам ташаббускор лицензия оломайди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини кенг жорий қилиш лозимлиги қайд этилди.

Хорижий тажрибада лицензиялаш ўрнига хабардор қилиш, мажбуриятни суғурталаш, ўзини-ўзи бошқариш, техник тартибга солиш каби муқобил усуллар мавжуд. Мисол учун, тураржой объектларини нотураржой сифатида қайд этиш учун тадбиркор алоҳида рухсатнома олиши керак. Ваҳоланки, бунинг учун давлат идоралари хабардор қилинса, кифоя бўлиши мумкин.

Худди шундай, риэлторлик, аудиторлик, суд бошқарувчилиги каби фаолият турлари билан шуғулланувчиларнинг жавобгарлигини суғурталаш ёки ўзини-ўзи бошқариш тизимларига ўтказиш мумкин.

Шу муносабат билан Адлия ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Давлат акциялари бошқаруш агентлигига икки ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларини жорий қилиш вазибаларга йўқлатилди.

Давлатимиз раҳбари лицензия ва рухсатномалар бериш тартибини ва муддатларини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Адлия вазирлигига бир ой муддатда лицензия ва рухсатнома бериш муддатлари ва тўловларини ўргиниб чиқиш, уларнинг шартларини аниқ белгилаш юзасидан топшириқ берилди.

Бундан ташқари, баъзи ҳолатларда тадбиркор лицензия олиш учун узоқ вақт давомида сарсон бўлиб, керакли ҳужжатларни тўплаб топширади, бироқ арзимаган сабаблар билан унинг аризаси қайтарилади.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев лицензиялаш жараёнига замонавий техно-

логияларни тўлиқ жорий қилиш зарурлигини қайд этди.

Лицензияларнинг 79 фоизи, рухсат берувчи ҳужжатларнинг 80 фоизи ҳанузгача қоғоз шаклида берилмоқда. “Лицензия” ахборот тизимлари комплекси 2014 йилда ташкил этилганига қарамай, бугунги кунда бу портал деярли фаолият юритмаяпти. Ўтган йили 4 мингдан ортиқ лицензиялар “бир дарча” тамойилига риоя қилинмасдан берилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига жорий йил 1 августга қадар лицензия бериш билан боғлиқ барча жараённинг тўлиқ автоматлашган ягона электрон тизимини ишга тушириш вазибалари қўйилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, лицензия талабларига риоя этишини мониторинг қилишнинг янги, ошқорча тизимини жорий қилиш лозимлигини қайд этди. Масалан, ёнгин назорати органлари ёнгинга қарши воситаларни ўрнатувчилар фаолиятини назорат қилиши керак бўлса-да, бундай назорат тизими амалда мавжуд эмас.

Илғор хорижий тажриба асосида барча лицензия талаб қилувчи фаолият турларида автоматлаштирилган риск-анализ тизимини ва масофавий назоратни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Президентимиз таъкидлаганидек, соҳада коррупция ва турли суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назорати тизимини жорий қилиш талаб этилади.

Йиғилишда мутасаддилар олиб борилаётган ишлар ҳамда ҳар бир тармоқ кесимида қайси лицензия ва рухсатномаларни қисқартриш мумкинлиги тўғрисида ахборот берди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳамда истиқболдаги режалар таҳлил этилди.**

Депутатлар, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, олимлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов давлатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунларданок Туркия Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида биринчи бўлиб расман тан олгани, ўтган давр мобайнида ўзаро алоқалар динамик тарзда ривожланиётгани, айниқса, кейинги уч йилда ўзаро ҳамкорлик турли жаҳдаларда тобора чуқурлашиб бораётганини таъкидлади.

Ўзаро таширфлар давомида Президентлар Шавкат Мирзиёев ҳамда Режеп Таййип Эрдоган Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янги боқичига кўтаришга қаратилган Қўшма баёнот, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, савдо-сотик, транспорт-логистика, саноат, энергетика, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа

соҳаларга доир 40 га яқин ҳужжат имзолангани бугунги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Туркияга давлат таширфи чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолангани, миллий парламентимизнинг Туркия парламенти билан алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида “Ўзбекистон – Туркия” парламентлараро дўстлик гуруҳи тузилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

2018 йил 30 апрелда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги нутқида турк халқи Ўзбекистонни ота юрти, Ўзбекистон халқини қардош халқ, Ўзбекистон Республикасини қардош давлат сифатида кўришини таъкидлаб, бу йўлда етишиб чиққан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий каби буюк аломаларнинг

илмий мероси бугунги кунда ҳам жаҳон илм дунёсида маёқ бўлиб нур таратаётганини алоҳида эътироф этгани.

– Ўзбек ва турк элининг алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади, – дейди Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мехмет Сурейя Эр. – Тарихдан маълумки, қадимги Мовароуннаҳр ҳам муҳим цивилизация ва билим ўчоғи бўлган. Ота юртимиз бўлган Ўзбекистон билан ўзаро ҳурмат, тенглик асосидаги самимий муносабатларни чуқурлаштириш тарафдоримиз. Президентлар Режеп Таййип Эрдоган ҳамда Шавкат Мирзиёев Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Ўзбекистонда кейинги йилларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Туркия ушбу ислохотларга ўз хиссасини қўшишни истади.

Маълумотларга кўра, жаҳон сайёҳлик соҳасида олтинчи ўринни эгаллаган Туркия бир йилда 36 миллион сайёҳни қабул қилади ва ушбу соҳадан 34 миллиард доллар микдорда даромад кўради. Ўзбекистон фуқаролари учун 2007 йилдан буён Туркияга визасиз кириш тартиби жорий қилинган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида фармони билан турк фуқаролари учун ҳам визасиз режим жорий этилган. Албатта, бу туркиялик фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг, сайёҳлик соҳасида иш юритувчи малакали мутахассисларнинг Ўзбекистонга келишини анча осонлаштирмоқда.

Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун икки давлатнинг манфаати ва, энг асосийси, хоҳиши ҳам борлиги барчани қувонтиради.

ЎЗА

## ПАРТИЯ ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ БАҲОЛАНДИ

**“Тараққиёт стратегияси” марказида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг пленуми ўтказилди.**

Унда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда партия шаҳар ва туман кенгашлари, депутатлик корпусининг жорий йилда амалга ошириши лозим бўлган вазибалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, партия Тошкент шаҳар кенгаши сайловларида фаол иштирок этди. Жумладан, пойтахтдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3 нафар, Тошкент шаҳар кенгашига 11 нафар, туман кенгашларига эса 57 нафар депутат сайланди. Хусусан, туманлар кесимида сайланган депутатлар сони бўйича энг юқори кўрсаткичга Мирзо Улуғбек тумани кенгаши эришди. Халқ депутатлари Мирзо Улуғбек тумани кенгашида ўтган сайловларда партиядан икки нафар депутат сайланган. Бу галги сайловларда 7 нафар номзод голиб бўлди.

Бундан ташқари, партия Олмазор тумани кенгаши фаолиятини ҳам ижобий баҳолаш мумкин. Ушбу ҳудуддан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат сайланиши билан бирга халқ депутатлари туман кенгашида 7 нафар депутат ўрнига эга бўлди. Ўтган галги сайловларда тўрт нафар депутат голиб бўлган эди. Шу билан бирга, депутатлик ўрни бўйича Учтепа, Чилонзор ва Миробод туманларида ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилган. Бироқ Юнусobod, Яқсарой ва Яшнобод туманларида ўсиш кузатилмади.

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур ва Бектемир тумани Кенгашларида бир неча ўринни йўқотди. Айниқса, Сергели тумани кенгаши қониқарсиз фаолият кўрсатди. Партиядан халқ депутатлари туман кенгашига ўтган сайловларда 4 нафар депутат сайланган бўлса, бу сафар бир номзод голиб бўлди.

Партия Тошкент шаҳар кенгаши раиси Отабек Жиянбаев сўзга чиқиб, Сергели тумани кенгаши раиси фаолиятини танқидий баҳолади. Жумладан, сайловлардан олдин ҳудудий ташкилотнинг фаолиятини жонлантириш лозимлиги ҳақида бир неча бор оғохлантирилишига қарамай, ишларни бугунги кун талаб ва тақлифлари асосида ташкил қилиш чоралари кўрилмаган. Шу боис, нафақат партиянинг туман кенгаши раиси, туман етакчи мутахассиси билан ҳам меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Сайловолди тарғибот-ташвиқот тадбирларида партия туман кенгашлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар рўйроқ айтилди. Уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ўртага ташланди. Мурожаатномадан келиб чиқиб, ЎЗМТДПнинг барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлар аҳолининг долзарб масалаларини ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланди.

Пленумда партия Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси девонини ташкилий тузилмаси таркибига ўзгартиришлар киритилди. Жорий йилда амалга оширилиши зарур бўлган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдулазиз МУСАЕВ



● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутатлари билан ўтказган очик мулоқотида Президентимизнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган долзарб вазибаларга батафсил тўхтади. Вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятини жонлантириш вақти келганлигига алоҳида ургу берилди.  
● Мудофаа вазирлигининг Сурхон-

дарё вилоятидаги ҳарбий гарнизонларида ҳарбий хизматчиларнинг оила беккалари ўртасида “Балли аёллар” кўрик-танлови ташкил этилди. “Мен намунали ҳарбий оила бекасиман” шiori остида ўтказилаётган мазкур тадбир тинчлигимиз посбонлари оилаларининг жамиятдаги нуфузини ошириб, оилаларда ҳар тарафлама баркамол авлодини камолга етказишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

● Андижонда ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили, буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, олим ва шоир Заҳирриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишланган “Бори элга яхшилик қилгил” деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шоир-ёзувчилар, Ҳиндистон, Афғонистон, Қозғистон, Қирғизистондан келган бобуршунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

● Шимоли-ғарбий ҳарбий округининг Нукус гарнизонида нурунийларнинг ҳарбийлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда “Нуруний” жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ш.Уснатдинов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, шунингдек, 2019 йил 27 декабрь кунини Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабда ёшлар билан учрашувидан келиб чиқадиган вазибаларга тўхтади.



● Boeing йўловчи самолёти Атлантика океани устидан учиб вақтида янги тезлик рекорди ўрнатди. Таъкидланмишча, самолёт соатига 800 милдан юқориқок

тезликка эриша олган. British Airways авиакомпанияси самолёти Нью-Йорқдан Лондонгача масофани учиб ўтиш вақтида 800 мил/соатдан (1287 км/соат) юқориқок тезликка эришган, янги тезлик рекордида даврюгарлик қилиши мумкин. Таъкидланмишча, самолётлар Атлантика устидан учиб ўтиш вақтида бир неча тезлик рекордини ўрнатган. Самолётлар йўналиши билан бир йўналишда эсган шомол уларни янада тезроқ учирган.  
● Буюк Британияда “Сиара” довули кириб келиши муносабати хавфлиликнинг сариқ даражаси эълон қилинди. Айни вақтда мамлакатнинг барча ҳудудларида кучли шомол эсиб, ёмғир қуймоқда. Синоптиклар маълумотига кўра, шомол тезлиги соатига 90 милли (144 км) ташкил этади. Мамлакатнинг турли ҳудудларида жиддий сув тошқинлари юзга келиш хавфи бор. Қўллаб авиакомпаниялар, жумладан British Airways қўллаб халқаро ва ички рейсларини бекор қилган ёки парвозлар сонини жиддий даражада қисқартирган. Турли йўналишларда паромлар қатнови тўхтатилган.



**Парламент қўйи палатасидаги партиялар фракцияларининг ййгилишлари ўтказилди. Унда қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.**

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ййгилишида** “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Депутатлар томонидан айтиб ўтилганидек, амалдаги қонун 27 йил муқаддам қабул қилинган бўлиб, бугунги кун талабларига мувофиқ жавоб бермайди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида берилган кўрсатмага мувофиқ муҳокама қилинган ушбу лойиҳанинг 6-моддасида 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган ва доимий пропискага ўтган, хорижий давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда ушбу қонун кучига кирган кунга қадар Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси асосида истикомат қилган шахс, истак билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинishi назарда тутилган.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати, шунингдек, фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу соҳада самарали ва тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик базасини яратиш, фуқаролик соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш билан ҳам изоҳланади.

“Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин бахс-мунозараларга сабаб бўлди.

Муҳокамалар чоғида ушбу қонун лойиҳасига янги 12 та модда, шунингдек, 11-22-моддаларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамасида жамоатчилик назоратининг иштирокисини таъминлаш юзасидан нормалар киритилгани таъкидланди.

Депутатларнинг фикрича, Шаҳарсозлик кодексининг янги таҳрири тасдиқланиши ер участкаларини бериш ва улардан фойдаланиш, бинокорлик материаллари ва буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, жамият ва давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини амалиётда ифодалаш ва ҳимоя қилиш, аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини ахшиллаш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш имконини беради.

– Бугун олдимизда ўта долзарб ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун аввало қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимиз керак. Бунинг учун қўйи палата ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ҳолис бахс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига айланиши керак. Агар ҳар хижатдан

пишиқ, пухта тайёрланган қонунларда ҳаётий ва халқчил тамойиллар устувор аҳамият касб этса, уни амалиётга татиқ этиш ҳам самарали бўлади. Аксинча, амалга оширишининг аниқ механизми эга бўлмаган, фақатгина умумий масалаларни ҳал этадиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш амалда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис, бизнинг хато қилишига, ўз зиммамиздаги юксак масъулиятни ўнатишга сира ҳаққимиз йўқ, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари А.Ҳаитов.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ййгилишида** “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат эгаллигида бўлгани сингари юридик ва жис-

олияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси геодезия ва картография фаолиятининг моҳиятини, хусусан, сунъий йўлдош тизимларидан фойдаланишда ҳамда картография-геодезия кадастрини юриктишда ахборот-коммуникация, рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалаларни ўзида акс эттирган. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида соҳа фаолиятида бир қатор ўзгаришлар юз берди.

Ййгилишида депутатлар томонидан қонун лойиҳаси бўйича қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди. Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг материаллар ва маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, харита ва планларни яратиш ҳамда янгилашда рақамли технология-

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) номига фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ мурожаатлари ҳам алоҳида тартибда ўрганиб чиқилмоқда. Парламент назорати субъекти сифатида Вакил томонидан 779 та шикоят назорат тартибиде кўриб чиқилган ва улардан 247 таси ўзининг ижобий ечимини топган.

Фракция аъзолари Омбудсман институтининг бугунги ислохотлар даврида янада долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, фуқароларнинг мурожаатлари бўйича чиқиш ва узил-кесил ҳал қилиш бўйича амалий ишларни кўпайтириш лозимлигига эътибор қаратилди. Хусусан, айрим йўналишлардаги мурожаатларга ечим топиш кўрсаткичи фоизларга ҳисобланганда ҳам натижалар қониқарли эмаслиги қайд этилди.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда тегишли амалиётни янада такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифларини ҳам берди. Хусусан, прокуратура, ички ишлар ва давлат хавфсизлик хизмати тизимидаги тергов идораларини бирлаштириш ҳамда ягона тергов органини ташкил этиш, жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини тубдан ислох қилиш ва уни Ички ишлар вазирлигининг Адлия вазирлигига тасарруфига ўтказиш ёки алоҳида мувоқаллаштирувчи орган ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййгилишида** “Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Уставини (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзоларининг қизгин муҳокамасига бой бўлди.

Таъкидлаш лозимки, Гаага конференцияси 1893 йилда ташкил этилган бўлиб, штаб-квартираси Гаага шаҳрида жойлашган халқаро ҳуқуматлараро ташкилот ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсади халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини босқичма-босқич унификация қилишга кўмаклашидир.

Ҳозирги кунда ташкилотга 82 та давлат, шу жумладан, Европа Иттифоқи аъзо саналади. МДҲ давлатлари орасидан эса, конференцияда Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон ва Россия Федерацияси иштирок этади. Гаага конференцияси 1955 йил 15 июлда кучга кирган Устав асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикасининг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши халқаро фуқаролик, оилавий ва хусусий ҳуқуқнинг унификацияси жараёнида мамлакатнинг иштирокини ва замонавий стандартларни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий соҳани янада ривожлантириши ҳамда чет элда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатларини самарали ҳимоя қилиши таъминлашга хизмат қилади. Ташкилотнинг Кенгашига кириш орқали эса, конференциянинг иш дастурларини белгилашда қатнашиш имкони пайдо бўлади.

**Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА МУХБИРИ**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАСИ**

моний шахслар эгаллигида ҳам бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Лекин улардан фойдаланишнинг тавсифи ва хусусияти ҳисобга олинганда, кўпроқ қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат томонидан тартибга солиниши кўзда тутилган.

Бу жараёнга қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилишини лицензиялаштириш, аффинаж фаолиятини лицензиялаштириш, асиллик назоратини амалга ошириш йўли билан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласига давлат назоратини ўрнатиш кирди.

Фракция аъзолари мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектлари учун кўпроқ эркинлик ва имкониятлар берувчи қонун бўлиши кераклигини таъкидлаб, лойиҳани соҳа мутахассислари билан биргаликда буткул қайтадан ишлаб чиқиш лозим, дея фикр билдиришди. Хусусан, қонун лойиҳасида белгиланган асосий тушунчаларда номувофиқлар мавжудлиги сабабли уларнинг микдорини қисқартирши, баъзиларини чиқариб ташлаш ҳамда бир нечасини алоҳида моддада кўрсатиб ўтиш таклифи берилди.

Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланмади ва уни Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибидан чиқариш бўйича қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ййгилишида** “Геодезия ва картография фа-

ларни қўллаш таъминланиши ҳисобга олинби, фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Мухаммадиев инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунлар ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари ижроси устидан мониторинг йўналишларида амалга оширилган ишлар ҳақида атрофлича ахборот берди.

Реабилитация марказларида яратилган шароитлар у ерда сақланаётган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситида, бу эса “Ички ишлар органларининг муайян яша шойига эга бўлган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисида”ги низом талабларига зиддир.

2019 йилда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш масаласи бўйича Омбудсман манзилга 4 минг 895 та мурожаат келиб тушган. Шундан 4 минг 175 таси шикоят, 709 таси ариза ва 11 таси таклифидир. Парламент назорати субъекти сифатида Омбудсман томонидан 924 та шикоят назоратга олинди, кўриб чиқилган ва уларнинг 286 таси ижобий ечимини топган.

**Замонавий дунёда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир.**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА**

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада, 2019 йил январь-декабрь ойида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 51,3 млрд. 19 004,8 млрд. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсish суръати 117,2 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий хизматлар, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатиламоқда. Валюта сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш

бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмини ошишига таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51,3 фоиз ўсиб, 19 004,8 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 29,1 фоизни ташкил қилади).

2019 йил январь-декабрь ойида транспорт хизматлари ҳажмини ошишига таъсир қилган омиллардан бири йўловчи ва юкларни ташини хизматларида бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобил транспортини орқали кўрсатилган хизматлар (58,7 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда

\* \* \*

**Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида 15 418,7 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, ўсish суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 128,5 фоизни ташкил этди.**

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари ҳажми 4 243,6 млрд. сўмини ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 150,7 фоизни ташкил қилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 27,5 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 8 888,9 млрд. сўм ёки 120,5 фоизни (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 57,7 фоиз) ҳамда норасмий сектор 2 286,1 млрд. сўм ёки 126,5 фоиз (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 14,8 фоиз)ни ташкил этди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Мировод туманида бажарилган бўлиб, шаҳарда бажарилган жами қурилиш ишларининг 15,5 фоизини ташкил этди. Мир-

зо Улугбек туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 12,8 фоизни, Юнусobod туманида 12,4 фоиз, Шайхонтоҳур туманида 10,7 фоиз ва Яқкасарой туманида 9,6 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми, яъни 58,0 фоиз қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган биналар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланган биналарнинг қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Фуқаролик объектилари қурилиши ва иттиҳослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда жамига нисбатан 42,0 фоизни ташкил қилди.

**Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси**

**Фармон ва ижро**

**АЙРИМ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ 2020 ЙИЛНИНГ 1 АПРЕЛИДАН БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони тизимда катта ислохотларга омил бўлади.**

Бундай ислохотлардан асосий мақсад эса солиқ юки даражасини камайтириш, солиқ қонунчилигини соддалаштириш, соғлом рақобатни таъминлаш билан бирга янада қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда солиқлар ва тўловларни оптималлаштириш натижасида адолатли солиқ тизимини яратишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида соҳадаги шу каби ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Фазлиддин Умаров 2020 йилдан тугатилган амалдаги солиқ имтиёзлари ҳамда тарифларни тартибга солиш бўйича таклиф этилаётган ислохотлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, соҳада амалга оширилган босқичма-босқич ўзгаришлар 2019 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилган. Унга қўра, қатор солиқ турлари бирлаштирилган бўлса, айримлари бекор қилинган. Дейлик, корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи айланмадан олиннадиган мажбурий ажратмалар бўлган. Янги талаб бўйича бу ажратмалар ҳам бекор бўлди. Солиқларнинг соддалаштирилиши ва солиқ юкиннинг камайтирилиши билан бир қаторда амалдаги солиқ имтиёзлари инвентаризация қилинди. Қатор имтиёзлар йиллар давомида ҳужжатда аксини топган, лекин амалда натижасиз бўлган. Яна айрим имтиёзлар бўлганки, улардан фақат алоҳида субъектлар қўйилгани мумкин эди. Бу эса рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатган. Мисол учун, охириги йилларда жадал ривожланган соҳа – энгил санаятда 40 мингга яқин корхона фаолият кўрсатган бўлса, имтиёзлардан уларнинг атиги 1,5 фоизи фойдаланган ҳолос. Нега қолган корхоналар бу имтиёздан фойдаланмаган, деган савол туғилади. Чунки уларнинг фойдаланиши учун қатор мезонлар белгиланган. Барча солиқлардан озод қилиш, деган имтиёздан фойдаланиш учун энгил санаят соҳасидаги корхона, аввало, уюшмага аъзо бўлиши керак эди.

Таъкидланганидек, 2020 йил 1 январгача амалда бўлган Солиқ кодексига меъёрлар 380 тани ташкил этган бўлса, янги таҳрирдаги Солиқ кодексига бу меъёрлар 301 тадир. Бундан ташқари, ижтимоий таъминот билан боғлиқ беш турдаги меъёр ва имтиёзлар киритилди.

Президентимизнинг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва боғхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан қиллоқ хўжалиги, қурилиш, импорт, савдо ва бошқа соҳаларда ҚҚС бўйича имтиёзлар, шу билан бирга, автомобилсозлик соҳасидаги индивидуал имтиёзлар бекор қилинган.

– 2019 йил 1 январгача юртимиздаги 300 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектидан 7 мингтаси қўшилган қиймат солигини тўлаган, – деди Фазлиддин Умаров. – Бу ислохотлардан кейин қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони кўпайиб, 83 мингдан ошди. Бу жараёндаги ўзгаришлар солиқ юкиннинг ҳаммага тенг тақсимланиши билан изоҳланади.

Матбуот анжуманида янги таҳрирдаги Солиқ кодексига меъёр ва имтиёзлар ҳақида ҳам сўз борди. Унга мувофиқ, Солиқ кодексининг эски таҳририда назарда тутилган имтиёзлар 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бекор қилиниши белгиланган. Бунда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган таълим, тиббиёт, маданият, маший хизмат бўйича солиқ имтиёзлари сақланиб қолинди. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари учун Ўзбекистон Республикасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш мuddати тугагунга қадар кучини йўқотмайди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Солиқ кодексини билан солиқ имтиёзлари беришининг янги принципи жорий этилди. Солиқ кодексининг 75-моддасига асосан айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари (ҚҚС, акциз солиғи ва ер қабридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари) Президент қарори билан фақат белгиланган солиқ ставкасини камайтириш, лекин кўпи билан 50 фоизга камайтириш ва уч йил мuddатга берилиши мумкинлиги белгиланди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

**EDU MARKET ИНТЕРФАОЛ-ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИНГ ВАЗИФАСИ ҚАНДАЙ?**

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ёшларга замонавий технологиялар ёрдамида билим бериш мақсадида Edu Market лойиҳасини ишлаб чиқди. Пойтахтимиздаги Инҳа университетиде Edu Market интерфаол-виртуал таълим дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисига Мурожаатномасида тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт эканлигини таъкидлаган эди.

Мазкур платформа Game Zale компанияси томонидан яратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридеги Инновация, технология ва стратегия маркази томонидан татбиқ қилинган.

Платформа замонавий технологиялар дунёсида болаларнинг ривожланиш машқлари шаклида (ёшга қараб синфларни танлаш орқали) тенг имкониятларни таъминлаш, IT кўникмалар ҳамда диққат, хотира ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган.

Ушбу платформа таълим фаолиятида янги усул ва услубларни яратиш, унинг сифатини ошириш учун катта имкониятларни тақдим этади. Шубҳасиз, бу ўқитувчининг ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятида ўз устиде ишлаш лозимлигини талаб қилиб, ўқувчиларнинг билим фаоллигини оширади. Ўқув жараёнини янада ёрқинроқ ва қизиқарли қилади. Ҳозирги кунга келиб, платформанинг демо-версияси Тошкент шаҳридаги 94-умумтаълим мактабиде бошланғич синф ўқувчилари орасиде синовдан ўтказилди. Edu Market болаларнинг таълимга қизиқишини оширишда самарали ўқитиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Платформанинг таркибий қисмларига виртуал мактаб, виртуал кутубхона, онлайн ўқитиш тизими, ўқувчиларнинг онлайн ўзлаштириш статистикаси, ўқув машғулотларини муваффақиятли яқунлаш учун ўқув-

чиларни рағбатлантириш тизими ва бошқалар кирди.

Тошкент шаҳридаги 94-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дания Аминова Edu Market ҳақида: “1-синф ўқувчиларини кузатар эканман, болаларнинг кўзларида шикоят ва иштиёқни кўрдим. Мазкур платформа ҳар томонлама сайқалланиб яратилган. Муайян тилда сўзлашиш тўғрисида учраган ўқувчилар қолган тенгдошлари билан бирга баравар, иштиёқ билан машқларни ишлаб, ақсарияти яхши натижаларга эришди. Шундан англаш мумкинки, ўқувчиларда илм олишга иштиёқ пайдо бўлди ва янги билимларга ўрганишга қизиқиш ортди” дейди.

– Ҳозирги кунда ўқувчилар кўп вақтини смартфон ёки планшетлардан фойдаланиб ўтказида, – дейди халқ таълими вазири Шерзод Шерматов. – Шу боис, болаларга вақтидан самарали фойдаланиш учун янги платформа яратилди. Edu Market лойиҳаси орқали уларга билим олиш учун янги имконият бериш билан бирга, билим олиш қизиқ эканини кўрсатмоқчимиз. Келажакда Edu Market тизими орқали ёшлар учун фойдали, касб эгаллаш имкониятини берувчи маълумотлар бериб бориш режалаштирилган. Бу эса уларнинг келажакда қўшимча даромад топишига имконият яратида.

Тантанали маросим давомида платформани синовдан ўтказиш танловиде машқларни муваффақиятли бажарган энг яхши топ-10 рейтингга кирган ўқувчилар тадбир ташкилотчилари томонидан сертификат ва совғалар билан тақдирланди.

**ЎЗА**



ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Куни кеча "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов бошчилигидаги делегация Ислом Тараққиёт банкининг (Жидда шаҳрига) Бош офисига ташриф буурди.

Мазкур ташриф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 декабрдаги "Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги "Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида белгиланган Ислом тараққиёт банки гуруҳининг молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги муҳим йўналиш бўлди.

"Трастбанк" ва Ислом тараққиёт банки гуруҳи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари 2018 йилда Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ХСРИК) билан 7 000 000 АҚШ доллари миқдорда молиялаштириш линиясини ажратиб тўғрисидаги икки томонлама Битим имзола-ниши билан бошланган.

2019 йилда Ислом тараққиёт банкининг яна бир бўлими - Халқаро савдо ва молия Ислом корпорацияси билан 4 000 000 АҚШ доллари миқдорда молиялаштириш линияси бўйича янги шартнома кучга кирди. Бугунги кунга келиб иккала линия ҳам муваффақиятли ўзлаштирилган.

Ажратилган линиялар ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги бир қатор инвестиция лойиҳалари, шу жумладан кабель ишлаб чиқариш, электрон қисмларни ишлаб чиқариш, қурилиш ва машина техникаси ишлаб чиқариш соҳалари молиялаштирилди.

Музокаралар давомида томонлар ўтган йилдаги қўшма фаолият натижаларини сарҳисоб қилиб, 2020 йилда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкига қўшимча молиявий ресурслар ажратиш истиқболлари, шунингдек, яқин келажакда исломи молиялаштиришнинг янги воситаларини жорий этиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Банк Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг биринчи йўналиши доирасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА

Биринчи йўналиш ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган. Анжуманда мазкур ташаббус доирасида масъул ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар таҳлил қилинди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Бадий академия, Маданият, Халқ тили ва вазириликлар, "Хунарманд" уюшмаси масъуллари амалиётга татбиқ этилаётган лойиҳалар хусусида сўзлаб берди.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан "Миллий дастур ва ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақиятли амалга ошириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш усуллари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Адлия, Молия вазириликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Тошкент давлат юридик университети, БМТ Тараққиёт Дастури, Буюк Британия элчихонаси ва бошқа манфаатдор вазирлик, идора вакиллари, марказнинг масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад вазирилик ва идоралар мутахассисларининг миллий дастурларни амалга оширишда муваффақият кўрсаткичлари ишлаб чиқиш усуллари кўллаш ва қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича малакасини оширишдан иборат.

Бунинг учун таҳрибали халқаро экспертлар мураббий сифатида жалб этилди. Анжуман норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, хорижий давлатларнинг қабул қилиш бўйича таҳрибасини ўрганиш масалаларига бағишланган бири қатор тадбирларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаражатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири сифатида қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга қаратилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш белгиланган.

Семинар-тренингнинг биринчи кунини давлат секторини ривожлантириш стратегик режалаштириш ва бошқариш, тармоқлар/ҳудудларни ривожлантириш дастурлари кўрсаткичларини шакллантириш, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги тартибга солиш таъсирини баҳолашни кўллаш бўйича таҳриблар, шунингдек, тартибга солиш таъсирини баҳолашда намунавий ҳатолар ва уларни бартараф этиш усуллари муҳокама қилинди.

Анжуманнинг иккинчи кунини иштирокчилар ижтимоий соҳада тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва ҳақиқий таъсирини баҳолаш (ОФВ) доирасида фойда ва харажатларни таҳлил қилиш усуллари муҳокама қилишди. Тренинг давомида иштирокчилар "Айри даряхт турларини кесилишни чеклашнинг мақсадида мувофиқлиги" мавзусидаги кейс мисолида ушбу ишнинг ижобий ва салбий томонларини батафсил ўрганишди.

Тадбир давомида иштирокчилар тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва ҳақиқий таъсирини баҳолашда кенг жамоатчиликни жалб қилиш бўйича референт гуруҳлар билан самарали мулоқотни ташкил этиш усуллари бўйича кўникмаларини ҳам кенгайтиришди.

Семинар-тренингнинг назарий қисми амалий гуруҳ машғулоти билан тўлдирилди. Анжуман якунида бизнес ва ҳокимият ўртасида конструктив мулоқотни йўлга қўйиш орқали тартибга солиш таъсирини баҳолаш тадбиркорлик фаолиятига тўққонлик қилувчи маъмурий тўсиқларни, самарасиз тартибга солишни бартараф этиш имконини бериши иштирокчилар томондан таъкидланди.

Тадбир якунида қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕТОРЛАР УЧУН ХАВФСИЗ ВА ҚУЛАЙМИ?

Давлат солиқ қўмитаси масъули бу борада нима дейди?

Жорий йилнинг 5-6 март кунлари Ўзбекистонда биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтади. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур тадбир доирасида хорижий ва миллий компаниялар раҳбарлари, инвесторлар, экспортёрлар, журналистлар иштирок этади.

ЎЗА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Фазлиддин Умаров билан сўхбати форум мақсади, аҳамияти, тайёргарлик жараёнининг бориши ҳақида бўлди.

Форумда Давлат солиқ қўмитаси сармоядорлар учун қандай таклифлар бўлади? Албатта, ҳар бир тадбиркор учун энг муҳим масалалардан бири солиқ қўнчилиги ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, биз мамлакатимиздаги адолатли солиқ маъмуриятчилигини таклиф қиламиз.

Бу бевосита янги Солиқ кодекси нормалари билан боғлиқ, 2020 йилдан солиқ қўнчилигида ҳам бир қатор янгиликлар амалиётга жорий этилди. Масалан, солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди. Фойда солиғини ҳисоблашда янги технологик усунуналар харид қилиш, янги объектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилди.

Яна бир мисол, тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатига қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фойз тўланадиган бўлади.

Бундан ташқари, биринчи марта тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулотни бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисминини қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ҳозиргача бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланилар эди.

Буларнинг аҳамиятини ҳар бир бизнесмен жуда яхши тушунади.

Хорижий инвестор солиқда қайси қулайликлар учун Ўзбекистонни танлаши керак? Ўзбекистонда солиқ солишда ағона қўнуний ҳужжат - Солиқ кодекси амал қилади. Мазкур кодексда солиқ қўнчилиги принциплари белгиланган бўлиб, унга қўра, солиқ тизимини аниқлик, адолатчилик, ягоналик, ошқоралик, солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик ва албатта, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси амал қилиши тамойилларига асосланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик принциплари илгари бўлмаган, бу тамойил янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан амалга киритилди. Оддий қилиб айтганда, солиқ идоралари фақат назорат қилувчи орган эмас, балки солиқ тўловчига яқиндан ёрдам берувчи идора сифатида хизмат кўрсатади.

Бу борада Президентимиз қарорларига мувофиқ, солиқ органларининг ҳар бир поғонасида "Солиқ солиш бўйича маслаҳат" тузилмалари ташкил этилиб, улар айнан юқориди айтиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш билан шуғулланади.

Яна шуни айтиб ўтишимиз керакки, солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишда ИТ технологияларини таъбиқ этиш ҳисобига солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва қўламлини оширишга, тадбиркорларга енгилликлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Мисол учун, солиқ тўловчилар билан инсон омилсиз мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида 45 электрон давлат хизмати кўрсатилади. Айни пайтда ҳудудлараро тармоқ тезлигини ошириш, солиқ тўловчилар учун қулай бўлган хизматларни мобиль версияга ўтказиш, замонавий бизнес-тахлил - Business Intelligence тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда алоҳида тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар бор эди. Бу инвесторларга ҳам қўлланилганми? Инвестор учун хорижий ёки маҳаллий бўлсин, тегишлилиги бўйича амалдаги барча солиқ имтиёзлари ва

преференциялардан фойдаланиши мумкин. Агар барча учун бир хил солиқ солиш тизими амал қилса, солиқ юки юқори бўлмаса, инвестор учун алоҳида имтиёзга талаб бўлмайди.

Алоҳида тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари берилиши инвестиция жалб қилинишига ҳар доим ҳам ижобий таъсир кўрсатавермайди. Охириги уч йилда барча соҳалардаги каби солиқ тизими, умуман, солиқ маъмуриятчилигида ҳам жуда катта ўзгаришлар бўлди. Президентимиз фармонлари билан таъкидланган солиқ сийсатини такомиллаштириш концепцияси асосида бошқичма-бошқич ислохотлар олиб борилди ва бу давом этмоқда.

Маълумки, 2019 йил 1 январдан бошлаб солиқ тизимида янги босқич бошланди. Яъни, солиқ сийсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Бу концепцияда асосий йўналишлар, яъни солиқ юки даражасини камайтириш, солиқ қўнчилигини соддалаштириш, янада қулай инвестиция муҳитини яратиш, солиқлар ва тўловларни оптималлаштириш каби вазифалар белгилаб берилган эди.

Ушбу йўналишлардан келиб чиқиб, дастлаб тақорланувчи хусусиятларга эга бўлган айрим мажбурий тўловлар ёки ажратмалар бекор қилиниши ва солиқ ставкалари пасайтирилиши орқали солиқ юки кескин камайтирилди. Масалан, мол-мулк солиғи 5 фоиздан 2 фоизга, айланма солиғи 5 фоиздан 4 фоизга, ижтимоий солиқ 15 фоиздан 12 фоизга, даромад солиғи 22,5 фоиздан 12 фоизга туширилди, товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорда олинандиган мажбурий ажратмалар бекор қилинди.

Шу билан бирга, барча учун бир бўлган, адолатли шартно яратиш учун иқтисодийнинг айрим тармоқларига берилган ёки индивидуал характерга эга бўлган қўллаб-қўллагувчи бекор қилинди. ҚҚС солиқ тўловчилар доираси кенгайтирилган ҳолда солиқ ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилди.

Тадбиркор учун имконият яратилапти, лекин сармоядор фойда қилиши керак. У шунини қўзғайди. Бошқа давлатларга нисбатан Ўзбекистонда тадбиркорлар учун қандай қулайликлар бор?

Ҳаҳон банкнинг "Бизнес юритиш - 2020" (Doing Business - 2020) йиллик рейтингидега Ўзбекистон 2019 йил якунлари бўйича 100 балдан 69,9 балл тўплаб, 190 мамлакат орасида 69-ўринини эгаллади. Утган йилги рейтингга нисбатан мамлакат 76-ўриндан 7 ўринга кўтарилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон 2019 йилда бизнес муҳитини яхшилашда энг юқори ривожланишга эришган давлатларнинг 20 талигига киритилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борада энг яхши 50 мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қабул қилинганлиги ҳақида ҳам айтиб ўтди.

Буюк Британиянинг "The Economist" журнали бўйича Ўзбекистон Республикаси энг яхши ислохотчи давлатлар рўйхатига киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон дунёда энг хавфсиз бешинчи давлат, деб топилган ва бориш тавсия этиладиган мамлакатлар рўйхатига киритилди.

Инвесторлар учун республикадаги имкониятларга тўхталадиган бўлсақ, биринчидан, мамлакатимиз сийсий барқарор, иккинчидан, табиий ресурсларга бой давлатимиз, учинчидан, олиб борилаётган кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари ҳам тадбиркорликни амалга ошириш учун қўшимча имконият, тўртинчидан, йирик корхоналарда давлат улушини камайтириш орқали уларни потенциал инвесторларга бериш жараёнлари қулай омиллардан бири ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, инвесторлар учун уларнинг даромадларини репатриация қилиши, яъни

солиқлар тўлагандан сўнг, инвестор ўз фойдасини бемалол дивиденд сифатида олиб, эркин тасарруф қилиши (олиб чиқиб кетиши) мумкинлиги қонун билан белгилаб қўйилди.

Маълумотларга қўра, солиқ тизими соддалаштирилди. Шундан сўнг қанча хорижий инвестор қизиқиш билдирди?

Мамлакатимизда бизнес ташкил қилиш учун қизиқиш билдираётган хорижий инвестор жуда кўп. Буни хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар сонидан ҳам кўрсак бўлади.

Масалан, 2017 йил бошида хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар 5 ярим мингта бўлган, 2019 йил якуни билан бу кўрсаткич 10 мингдан ошиб кетди (10382 та). Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларини жалб қилишининг ўсиш суръатлари бўйича бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринини эгаллаб келмоқда.

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Шубҳасиз, сўнгги йилларда мамлакат инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, бюрократик тўсиқларни бекор қилиш, валютани эркинлаштириш борасидаги амалий ишлар инвестицияларни, айниқса, хорижий инвестициялар жалб қилишни кескин оширишда муҳим ўрин эгаллади.

Сармоядор ишончли, хавфсиз, имтиёзли жойга пул тикишни истайди бу оддий қоида...

Ишонч билан айтаманки, мамлакатимиз инвесторлар учун сийсий барқарор ҳисобланади. Бундан ташқари, республикамиздаги қонун устуворлиги, жумладан, "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг амал қилиши инвесторларнинг манфаатига хизмат қилади. Яна қувонарлики, солиқ тизими бўйича Марказий Осиё давлатлари ўртасида республикамиз энг рақобатбардор ҳисобланади.

Инвесторларимиз учун имтиёзлар етарли даражада тақдим этилмоқда. Хусусан, инвесторлар учун ресурс солиқларидан озод қилиш тарзидаги имтиёзлар амал қилади. Яъни, хорижий сармоялар ҳисобига ташкил этилган корхоналарда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмига қараб ресурс солиқлари бўйича имтиёзлар берилади.

Мисол учун, инвестиция ҳажми 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга, 3 миллион АҚШ долларида ортик 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга, 10 миллион АҚШ долларида ортик бўлганда - 7 йил муддатга солиқ имтиёзлари берилади ва улардан ер, мол-мулк, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар олинмайди.

Солиқ тизими инвесторлар, тадбиркорлар учун "тозами"?

Бу борада кўп иш олиб борилмоқда. Қачон коррупция бўлмайди? Қачонки давлат органларининг фаолияти шаффоф, адолатли бўлса.

Ҳозирда солиқ тизимида инсон омиллини чеклаш мақсадида 46 электрон давлат хизмати, шу жумладан, 20 интерактив ва 26 ахборот хизматлари электрон солиқ хизматлари my.solic.uz порталига жойлаштирилган. Бундан ташқари, 28 турдаги очик маълумотлардан ҳам фойдаланиш имконияти яратилган.

Янги порталда солиқларни мустақил равишда ҳисоблаб чиқариш, ҳисобот ва солиқ декларацияларини юбориш, расмий тушунтиришлар ва 14 хил турдаги маълумотнома олиш мумкин. Шунингдек, солиқларни онлайн режимида тўлаш, корхонага юборилган огоҳлан-тириш хабарномалари тўғрисида тезкор хабардор бўлиш каби ўндан ортик янги имкониятлар яратилган.

Замонавий смартфон ва планшетлар учун фойдаланишга мўлжалланган "Солиқ" мобиль иловаси ёрдамида Давлат солиқ қўмитасининг 15 турдаги интерактив хизмат турларидан тез, осон ва қулай шаклда фойдаланиш мумкин.

Барно МЕЛИҚУЛОВА суҳбатлашди

Реклама ва эълонлар

Сергели тиббиёт коллежи томонидан 2014 йилда Муратов Мохира Бахтиёр қизи номига берилган К № 3512317 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 19 февраль куни ҳаво ўзариб турарди, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси - 1-3 даража совуқ, кундузи - 5-7 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра, 19 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифосланши даражаси наст бўлади.





Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг (IT Park) IT-маркази Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида "Revochain Technology" МЧЖ билан ҳамкорликда Ўзбекистонда илк бор мактаб ўқувчилари ўртасида "RoboTech" танловини ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА РОБОТОТЕХНИКА ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

"RoboTech" танлови ижодий фаолликни ошириш, робототехника соҳасида муҳандислик мутахассисликларини омма-лаштиришга қаратилган бўлиб, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

Ташкилотчиларнинг режасига кўра, танлов туман, шаҳар ва вилоят саралаш босқичларидан ташкил топади. Уларда голиб бўлган ўқувчилар финалга чиқади ва ўз номинацияларида голиблик учун кураш олиб боради.

Ташкилотчиларнинг режасига кўра, танлов туман, шаҳар ва вилоят саралаш босқичларидан ташкил топади. Уларда голиб бўлган ўқувчилар финалга чиқади ва ўз номинацияларида голиблик учун кураш олиб боради.

Танловнинг финал босқичи Мухаммад ал-Хоразмий номи иختисослаштирилган мактабда бўлиб ўтади.

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

Қилмиш – қидирмиш

ҚЎЛИ ЭГРИНИНГ – ЙЎЛИ ЭГРИ

Оила мустақамлиги, фарзандлар камоли ва тарбиясини аёл иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун жамият тараққиёти ва равақли йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишларда ҳам аёлларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидламай иложимиз йўқ.

Бугун аёллар барча соҳаларда фаолият юритиб, эркаклар билан баб-баравар, айтиш мумкин, бошқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Худди мана шу жараён ўз навбатида хотин-қизлар ҳуқуқларининг таъминла-нишини тақозо этади, албатта.

Шу боис, ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинмоқда.

Бироқ хотин-қизлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар кишини жиддий ташвишга солади. Жиноятчилик, хусусан, аёлларнинг жиноят кўчасига кириб қолишига туртки бўлиши мумкин бўлган сабабларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, аввало, ноҳуш ҳолатларнинг келиб чиқишига қандай оилада тарбия

топганлигига эътибор қаратиш лозим. Тошкент шаҳар Учтепа туманида яшовчи Алика Колупаева таниши Э.Шигопова олдиндан жиноий тил бириктириб, ўзгача мулкни талон-тарож қилиш мақсадида Чилонзор тумани "Қатор-тол" бозорида жойлашган дўконларнинг бирида қолдирилган 1.500.000 сўм миқдордаги уяли телефонни ўғирлайди.

Бундан ташқари, А.Колупаева Чилонзор туманида жойлашган савдо дўконларининг бирида Т.Бегимов томонидан қаровсиз қолдирилган 1.250.000 сўмлик телефон апаратини ҳам ўғирлаб, 200.000 сўмга сотиб юборади.

Баъзида бўлсада, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар кишини чуқур ўйга толдиради. Нега, биз

МЕН ЭШИТГАН ЭРТАКЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутубхонаси томонидан ўқувчи-ёшларнинг халқ озаки ижодига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида танлов ташкил этилган эди.

"Мен эшитган эртаклар" танловига 2019 йилнинг 20 декабридан 2020 йилнинг 20 январигача 3 мингга яқин ижодий иш келиб тушди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 20 декабридан 2020 йилнинг 20 январигача 3 мингга яқин ижодий иш келиб тушди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 20 декабридан 2020 йилнинг 20 январигача 3 мингга яқин ижодий иш келиб тушди.

чи Сўғдиёна Юсупова "Алиф-бо" эртаги билан учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, "Капалак", "Бебаҳо бойлик", "Сахродаги жавоҳир", "Ким зўр?" сингари эртаклар муаллифлари "Энг ёш эртак муаллифи", "Табиатни севишга ундовчи эртак муаллифи", "Энг ибратли эртак муаллифи", "Ватанини мадҳ этувчи эртак муаллифи", "Сехрли эртаклар муаллифи", "Дустиқни тарғиб қилувчи эртаклар муаллифи" ҳамда "Қадриятларни тарғиб қилувчи эртаклар муаллифи" номинациялари голиблари бўлди.

Республика болалар кутубхонасида тақдирлаш маросими ташкил этилиб, голиблар диплом

ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди. Танлов ташкилотчилари илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутубхонаси томонидан ўқувчи-ёшларнинг халқ озаки ижодига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида танлов ташкил этилган эди.

ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди. Танлов ташкилотчилари илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутубхонаси томонидан ўқувчи-ёшларнинг халқ озаки ижодига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида танлов ташкил этилган эди.

Мохигул ҚОСИМОВА, ЎЗА мухбири

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Қиличбозлик. Жазоирда қиличбозлик бўйича 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида жаҳон кубоги мусобақалари ўтказилди. Қизлар ўртасидаги сабля йўналишида терма жамоамиз кумуш медални қўлга киритди.

Эркин кураш. Куба пойтахти Гавана шаҳрида ўтган эркин кураш бўйича "Cerro Pelado-Granma" турнирида вази 57 килограмгача бўлган полонимиз Нодиржон Сафаров бронза медалини қўлга киритди.

Оғир атлетика. Тошкентда давом этаётган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг 73 килограмгача вази тоифасидаги бахсларида жаҳон рекорди ўрнатилди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувда ҳамюртимиз Ҳожиакбар Олимов кумуш медалга сазовор бўлди. Индонезиялик Ризки Жуниансх даст кўтариш ва икки кураш бўйича жаҳон рекордларини янгилади.

Ж.ТОШХҲАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшларни санъат соҳасининг етуқ намояндалари қилиб тарбиялаш, мусиқий саводхонлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси томонидан бир қатор тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида бош бошқарма тасарруфидаги 30 та Болалар мусиқа ва санъат мактабларида Ўзбекистон халқ артистлари - Хайрулло Лутфуллаев, Ғулможон Ёқубов, Замира Суёнова, Ўзбекистон халқ ҳофизы Соибжон Ниёзов, Абдунаби Иброҳимов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлари - Хуррият Исроилова, Ғиёс Бойтоев, Комил Шерматов, Азим Муллоҳонов, Абдулла Шомарғулов, Дилфуза Раҳимова, Равшан Комилов, Маҳмуд Номозов, Самандар Ҳамроқулов, Шуҳрат Дадажоновлар билан ижодий учрашувлар ҳамда маҳорат дарслари ўтказилди.

Ижодий учрашувда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, маданият марказларининг тўғрақ қатнашчилари иштирок этиб, олам-олам таассуротга эга бўлишди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан ўзларини қизиқтирган саволлари билан устоз санъаткорларга мурожаат этишди. Ижодкор ёшлар санъатнинг сеҳрли оламида тинимсиз изланиш ўз самарасини беришига амин бўлишди. Санъат намояндалири билан "Маҳорат дарслари", ижодий учрашувлар тез-тез ўтказилиб туришига ва ўқувчилар ушбу тадбирларда бахонидил қатнашиш истагини билдирди.

Ҳожиакбархўжа МАҲМУДОВ, Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси мутахассиси

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 195 А (181)-сонли ўрта таълим мактаби томонидан 2002 йилда Mingazova Taisiya Ildarovna номига берилган О'Р-Е № 0173118 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2012 йилда Тўлаганова Шахзодаҳон Султанбек қизи номига берилган К № 2726657 рақамли (2810-рўйхат рақами) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Тошкент (аввалги Зангиота) тумани ЕТ ва КМК томонидан Гулистон қишлоғи, "Катэж" кўчасидаги 7-уй Мухаммадалиева Лобар Шавкатовна номига берилган кадастр ҳужжати нусхаси (архив: № 2980) ва 2011 йил 27 майда берилган ТА № 1230512 ҳамда О'У № 305334 рақамли гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"101" ХУШЁРЛИК - ХОТИРЖАМЛИК ГАРОВИ

Биз кундалик ҳаётимизда оловдан деярли ҳар кунни фойдаланамиз: у хонадонларимизни иситидади, ҳар инсон ҳаётини тасаввур қилиш қийин.

Аммо ундан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос талаблари бор. Агар шу меъёр талабларига амал қилмасак, оловнинг жловини қўлдан бериб қўядиган бўлсак, у бизга каттадан-катта қулфатларни олиб келиши мумкин. Шунингдек, табиий газдан нотўғри фойдаланиш ҳам турли ёнғин ҳолатларини келтириб чиқариш мумкин. Шундай экан белгиланган қоидаларга амал қилиш муҳимлигини унутман!

Фаррух РАДЖАБОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Ҳукумат уйи биносидан фойдаланиш бошқармасида ва ҳўжалик фаолияти бошқармасининг автоҳўжалиги биносида ЁХТЭБ ёнғин назорати ва профилактика бўйича инспектори, подполковник

Содир бўлаётган ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлиб қолимоқда. Шундай экан уларга ёнғиннинг оқибатлари, ёнғин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда қилиб тушуниришни талаб қилади.

Бола онгда ут балоси ҳақида тасаввур уйғотиш, унинг иштирокида содир бўлаётган ноҳуш ҳолатлар қамайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиий. Бу борада ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғиннинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли лавҳалар, кўргазмалар кўрсатиш ёрдамида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Содиқ ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар ФВБ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносини ЁХТЭБ инспектори, катта сержант

Пойтахтимиз кўндан-кўнга чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Қурилиш, ободонлаштириш ишларини шахримизнинг ҳар бир кўчасида кузатишимиз мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларида ушбу масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни қувайтириш талаб қилинади. Қурилиш меъёр талабларининг бузилиши, кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиб, инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Нафқат қурилишлар, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимиз, давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнғин офатидан асраган бўламиз.

Мамур ХАЙДАРОВ, Тошкент шаҳар ФВБ Метрополитенда Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўлими инспектори, катта сержант

Маълумки, ёнғин катта талафотлар келтирувчи офат бўлиб, халқ мулки, турар жойларни ундан асрашда тарғиботнинг ўрни муҳимдир.

Соҳа ходимлари шу мақсад йўлида кўпқўл ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Жумладан, улар томонидан жойларда учрашувлар ташкиллаштирилиб, аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунириш ва уларга риоя қилиш бўйича амалий қўрсатмалар берилмоқда. Шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан ҳам кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Зеро, "тилсиз ёв" билан курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шiori ҳар бир фуқаро, хонадон, маҳалла, корхона-ташкilot, муассасаларга тааллуқлидир.

Шодиёр ЭРКАЕВ, Анжуманлар саройи ЁХТЭБ инспектори, майор

Билмишимиз ёнғин ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин, албатта жиддий зарар кўрилади. Сизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингиз тинч-осуда яшашингиз учун тўла асос бўлмайди.

Доимий равишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишига чакиринишнинг нур устига аъло нур. Лекин орамизда шундай инсонлар борки, эҳтиёткорликни унутиб қўйишмоқда. Бу ҳаракатлари билан кўнчиликини азият чекишига сабаб бўлишмоқда. Демак ҳар бир ишни қилишдан олдин унинг эҳтиёт чораларини кўрмоқ даркор. Чунки эҳтиётсизлик оқибатида умримизни барбод айлаб, молу давлатимизни кўкка совурилишига йўл қўймайлик.

Хуршид ИСМОИЛОВ, Мирзо Улўғбек ФВБ ДЭН ходими, лейтенант

Одатда ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларда содир бўлади. Шунинг учун ҳам Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эътибори кўпроқ фуқаролар ўртасида ёнғин хавфсизлиги бўйича профилактик ишларни қувайтиришга қаратилган.

Афсуски шунга қарамай, пойтахтимизда турли сабабларга кўра ёнғинлар содир бўлмоқда. Уларда инсонлар тан жароҳати олгани ёки халок бўлганини эшитиб, ачиниб кетати киши. Демак, ҳамма гап ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларга амал қилишда. Шундай эмасми? Қазис ҳамшахарларимиз!

Рафаэль ДАВЛЯЕВ, "Бунёдкор" стадиони ФВБ Ёнғин назорати ва профилактика инспектори, майор